



ФОНЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ФАЗИСЛАРИ

Д.Ш.Исломов

БухДУ докторанти

Аннотация: *Мазкур мақолада фонетик воситаларнинг шаклланиши, ривожланиши ва тараққиёт фазислари ҳақида фикр юритилади. Тилишунос олимларнинг илмий-назарий қарашлари келтирилган ва уларга муносабат билдирилган.*

Калит сўзлар: *тил, фонетик воситалар, фоностилистик жараёнлар, нутқ товушлари, товуш, урғу, оҳанг (интонация), унли ва ундош товушлар.*

Гарчи тил материал сифатида умумга тегишли бўлса-да, нутқда ундан фойдаланишнинг чексиз имкониятлари мавжуд. Сўзловчи шахси, унинг жамиятдаги мақеи ҳамда нутқий вазият билан боғлиқ равишда тил воситаларидан амалдаги меъёрлар доирасида истаганча фойдаланиш мумкин.

Тил воситаларидан фойдаланишдаги турли-туманлик вариантликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу фикрлар фоностилистик жараёнларга ҳам тегишлидир. Шунингдек, тилнинг бошқа ярусларида бўлгани каби, нутқ товушларининг эмоционал-экспрессив ва функционал-стилистик хусусиятларини таҳлил этишда ҳам экстралингвистик омиллар эътиборга олинishi лозим.

Нутқни амалга оширишда муайян мақсад кўзланиши, ният ҳамда вазиятдан келиб чиққан ҳолда расмий ёки норасмий мулоқот шаклининг танланиши ва маълум бир муддат ёки зудлик билан уни ижро этишга тайёргарлик кўрилиши яхлит бир нутқий бутунликни ташкил этишга хизмат қиладиган ана шу экстралингвистик омиллардир. Бинобарин, сўзловчининг нутқий стратегияси талаффуз меъёрларини ҳам белгилаб беради. Нутқ субъекти жараёндан қандай натижа кутмоқда? Суҳбатдошга қандай таъсир кўрсатмоқчи? Уни айтганларига ишонтирмоқчимиз, алдамоқчимиз, насиҳат бермоқчимиз, бирон юмушни бажаришга даъват қилмоқчимиз, тарбияламоқчимиз? Бу каби мақсад ва режаларни санашни давом эттириш мумкин. Энг муҳими, кўзланган мақсадга боғлиқ тарзда ҳар бир нутқий вазиятда субъектнинг сўзлаш манераси ўзгариб боради.



Нутқий жараёнда яна бир экстралингвистик омил мавжуд, бу - тингловчи. Мулоқот тингловчининг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи ва бошқа омилларни назарда тутган ҳолда олиб борилади. Нафақат тил бирликларини танлаш, балки ҳиссиётни, оҳангни бошқариш ҳам шунга мувофиқ бўлади. Нутқнинг икки кўриниши - монологик ва диалогик нутқ бир-биридан нафақат тил воситаларининг танланиши, айни пайтда, талаффуз меъёрлари билан ҳам ўзаро фарқланади. Мулоқот жараёнида расмийлик ва норасмийлик ҳам алоҳида талаффуз услубини тақозо этади.

Тилга олинган бу экстралингвистик омиллар комплекси нутқ субъектидан юксак нутқий савияни талаб қилиш баробарида турли нутқ услубларини ҳам фарқлашни тақозо этади.

Масалан, расмий давраларда ёки кўпчилик олдида ижро этилган нутқ аниқлиги, талаффузнинг раволиги билан ажралиб туриши керак. Бундай вазиятда тез ва шошилиб гапириш кутилган натижани бермайди. Агар суҳбатдош бир киши бўлса, мулоқот оҳанги шунга яраша бўлади, суҳбат одатда норасмий тусда бўлади.

Нутқ спонтан характерда бўлиши ҳам мумкин. Дарс жараёни, журналистларнинг турли тадбирлардан тўғридан-тўғри репортажлари, интервьюлар ана шу характердаги нутқ ҳисобланади. Бу нутқлар мазмуни одатда, олдиндан ўйлаб қўйилган бўлишига қарамасдан, ижродаги кутилмаганлик ва тезкорлик унинг фонетик жиҳатдан шаклланишига ҳам таъсир қилади.

Айтиш мумкинки, ҳар бир нутқий вазият ва бошқа экстралингвистик омиллар ўзига хос тил воситаларини, жумладан, фонетик воситаларни танлаш билан биргаликда, уларнинг талаффуз меъёрини ҳам белгилаб беради ва экспрессив имкониятларининг юзага чиқишига шароит яратади.

Сўз маъноларини ажратиш, чегаралаш учун хизмат қиладиган воситалар фонетик воситалар саналади. Бундай воситалар қаторига нутқ товушлари, урғу, оҳанг киради. Нутқ товушлари алоҳида келса маъно ифодаламайди, балки ҳар қандай сўз нутқ товушлари воситасида шаклланади. Сўз маъноларини фарқлашга хизмат қиладиган фонемалар хусусида юқорида фикр юритилди. Луғат таркибидаги барча сўзлар, грамматик шакллар ана шу фонемаларининг маълум тартибда кетма-кет жойлашиши орқали шаклланади. Айрим ҳолларда ўхшаш бўлган (омоним) сўзларнинг маъно ва грамматик шаклларини фарқлашда лексик урғу фонетик восита бўлиши мумкин. Гапнинг мақсадга кўра турини ажратишда эса оҳанг фонетик восита бўлиши мумкин.



XVII асрда нутқ товушларининг ҳосил бўлиш механизмини ўрганиш бошланган бўлиб, бу ҳол кар-соқовларни ўқитиш эҳтиёжидан келиб чиққанлигини испаниялик Х.П.Бонет, англиялик Ж.Уилкинс, нидерландиялик И.Амман асарларида кузатиш мумкин. Тилнинг товуш томонини ҳар жиҳатдан лингвистик нуқтаи назардан ўрганиш биринчи марта немис олими Э.Зиверснинг¹ асарида кузатилади. Россияда умумий фонетиканинг ривожига И.А.Бодуен де Куртене ва унинг шогирдлари В.А.Богородицкий ва Л.В.Шербалар ўз асарлари билан муҳим ҳисса қўшганларини ҳам айтиш мумкин.

Тилшунослик фани тизимида фонетика ҳам, фоностилистика ҳам унинг ўз мақсад ва вазифаларига эга бўлган алоҳида соҳалари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Тадқиқот объектининг нутқ товушлари эканлиги уларни бирлаштириб, бу товушларга ёндашишдаги мақсадларга кўра фарқланади.²

Нутқ товушлари икки хил: унли товушлар, ундош товушлар. Булар қуйидагича фарқланади:

1) унли товушлар ҳосил бўлишида ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ўтади, ундош товушларни ҳосил қилишда эса ўпкадан чиқаётган ҳаво оғиз бўшлиғида турли тўсиқларга учрайди ва бунинг натижасида шовқин ҳосил бўлади;

2) унли товушларни чўзиб талаффуз қилиш мумкин, ундошларни эса чўзиб талаффуз қилиб бўлмайди;

3) унли товушлар талаффузида товуш пайчалари албатта титрайди, ундошлар талаффузида эса товуш пайчалари титраши ҳам (жарангли ва сонорларда), жарангсиз товушларда титрамаслиги ҳам мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, фонетик воситалар қаторига *нутқ товушлари, урғу, оҳанг (интонация)* киради. Нутқ товушлари бу инсон талаффуз қиладиган ва бошқа бўлақларга бўлинмайдиган бирликлар бўлиб, товушларни ҳосил қилишда қатнашадиган инсон аъзолари нутқ аъзолари деб юритилади. Буларга нутқ товушларини ҳосил қилишда қатнашадиган аъзолар киради. Нутқ товушларини ҳосил қилишда ўпкадан чиқаётган ҳаво нафас йўли – кекирдак орқали бўғизга, ундан оғиз бўшлиғи ёки бурун бўшлиғига ўтиб, ташқарига чиқади. Нутқ товушларини ҳосил қилишда товуш пайчалари лаблар ва тил фаол иштирок этади.

¹ Zivers E. Tovush fiziologiyasi asoslari. 1876, 2-nashri. Fonetika asoslari, 1881.-52.

² Хожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент, 2002. – Б.22.



АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Islomov D. S. The Definition of The Concepts of «Phoneme» and «Phonostylistics» //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – Т. 9. – №. 4.
2. Islomov D. On phonetics, phonostylistics and phonetic means //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 28. – №. 28.
3. Islomov D. About Alliteration in French //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2023. – Т. 28. – №. 28.
4. Islomov D. СТИЛИСТИКА ТУШУНШАСИ ТЎҒРИСИДА НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ВА ТАҶЛИЛЛАР (фзбек ва француз тиллари мисолида) //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 12. – №. 12.
5. Islomov D. THE ROLE OF PHONOSTYLISTIC UNITS AND PHONEMES IN THE PROCESS OF TEACHING FRENCH TO ADULTS IN THE ANALYSIS OF EXAMPLES //Конференции. – 2021.
6. Islomov, D. Sh. "Phonetics and Phonology." Middle European Scientific Bulletin 11.1 (2021)
7. Islomov D. S. THE ROLE OF SONORS IN ENHANCING PHONETIC RESONANCE AND MELODY IN UZBEK POETRY //International Virtual Conference on Language and Literature Proceeding. – 2022. – Т. 1. – №. 1.
8. ISLOMOV D. S., JAHONGIROVA G. A. THE ROLE OF PHONOSTYLISTICS AND PHONOSTYLISTIC UNITS IN TEACHING FRENCH AT HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS //E-Conference Globe. – 2021. – С. 78-83.
9. Islomov D. ЖИЗНЬ АБДУЛЛЫ КАДИРИ И ЕГО ВКЛАД В УЗБЕКСКУЮ ЛИТЕРАТУРУ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. Uz). – 2021. – Т. 6. – №. 2.
10. Islomov D. Француз тили фонетикаси Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари: Француз тили фонетикасининг ўзига хос жиҳатлари //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
11. Исломов Д. Ш. Поэтические формы как культуроведческий компонент при обучении иностранному языку //Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2015. – №. 1. – С. 23-29.
12. Ванцова Н. В., Исламов Д., Хусяинов Т. М. Возможности использования проектной методики при преподавании иностранных языков



//Наука. Мысль: электронный периодический журнал. – 2016. – №. 10. – С. 31-34.

13. Islomov D. О понятии и искусстве аллитерации, придающей особый фонетический и фоностилистический эффект узбекскому языку //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. Uz). – 2022. – Т. 16. – С. 16.

14. Исломов Д. Ш. ЎЗБЕК ТИЛИДА ИЖРО ЭТИШГА ХОС БЎЛГАН ФОНОСТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ // "GERMANY" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: ACHIEVEMENTS, INNOVATIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS. – 2023. – Т. 9. – №. 1.

15. Исломов Д. Ш. ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ИЖРО ЭТИШГА ХОС БЎЛГАН ФОНОСТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ // "CANADA" INTERNATIONAL CONFERENCE ON DEVELOPMENTS IN EDUCATION, SCIENCES AND HUMANITIES. – 2023. – Т. 9. – №. 1.

16. Islomov, Dilshod. "Ўзбек тилига махсус фонетик ва фоностилистик эффект берувчи аллитерация тушунчаси ва санъати ҳақида." ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz) 16.16 (2022).

17. Islomov D. ABDULLA QODIRIYNING HAYOTI VA UNING O'ZBEK ADABIYOTIGA QO'SHGAN HISSASI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 6. – №. 2.

18. Islomov D. ФОНЕМА ВА ФОНОСТИЛИСТИКА ФОНЕМА ВА ФОНОСТИЛИСТИКА ТУШУНЧАЛАРИГА ДОИР ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КАРАШЛАР //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – Т. 1. – №. 1.

19. ДШ.Исламов - ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ КОНФЛИКТЫ И ИХ РАЗРЕШЕНИЕ - NovaInfo. Ru, 2016.

20. Islomov D. SECTION: CULTURAL SCIENCE //MODERN SCIENTIFIC RESEARCH. – 2019. – С.

21. Radjabov, R. (2023). Орфография НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ СООБРАЖЕНИЯ ПО ОРФОГРАФИИ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА: теоретические взгляды ученых на орфографию. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 27(27).



22. Radjabov, R. (2023). ACCENTS ET MARQUES ORTHOGRAPHIQUES EN FRANÇAIS. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 28(28).

23. Radjabov, R. (2023). A PROPOS DU CONCEPT D'ORTHOGRAPHE FRANÇAISE. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 28(28).